



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил

2 июль
пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 132 (1913)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ



лар фаолият кўрсатаётгани ва уларнинг сони ошиб бораётганининг ўзиёқ бу фикрнинг исботидир.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни диёримизга ташири билан кутлар экан, Ўзбекистоннинг

мазкур мамлакат билан ҳамкорлик алоқалари тобора мустақамланаётганидан мамнуният изҳор

этди. — Кувонарли томони шундаки, — деди Илом Каримов, — бу ўзаро

дипломатик, сиёсий-иқтисодий, маданий ва бошқа барча соҳаларда ўз аксини топаётди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Файзуллаев, ташқи ишлар вазири А. Комилов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ганиев иштирок этди.

Қабул маросимида Исроил давлатининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Ноах Гал-Гендлер ҳозир бўлди.

(ЎзА)
СУРАТДА: қабул пайти.
А. ТУРАЕВ олган сурат.

2 июль - Ўзбекистон Республикаси
Давлат герби қабул қилинган кун

БОШИМИЗГА Қўнган бахт қуши

Мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллигини тантанали нишонлаш арафасида турибмиз. Истиқлолнинг дастлабки йиллари туғилган гўдак бугун ҳар кунни мактабидан «беш» баҳо олиб қайтайдиган суякли фарзанд бўлиб қолди. Унинг саводи опа ва акалариникидан ўзгача — лотин алифбосида китоб ўқийди, шеърлар айтдики юртни улуғлаб. Бегубор болалик... Унга қўшилиб куйлагинг келди, унингдек завқу шавққа тўлигун келди... Уни саволга тутаман — сен Ватан ҳақида нималарни биласан?



Жавобини эшитинг! «Мамлакатимиз мустақил бўлганида мен туғилганман. Богчага бордим. Богча опамиз менга давлатимиз мадҳиясини ўргатдилар». У салмоқ билан давлатимиз мадҳиясини айта бошлайди: «Серкўёш, ҳур ўлкам, элта бахт, нажот...» Мароқ билан тинглайман, кўнглим ҳузур топади. У эса давом этади. «Мактабимизда «Ойла бюджет» дан доим «беш» баҳо олам. Ойла бюджетининг мустақамлиги пул. Уимизнинг сўйимиз борку — ўша. Мен яна давлатимиз гербини биламан. Унда мамлакатимиз бойликлари — пахта, ғалла, байроғимиз, кенг даламиз, чароғон қўёш тасвирлари бор. Қўёшимиз тилла ранг нур сояпти, чунки юртимизда олтинимиз мўл. Гербимизда яна катта, қанотлари бақувват ҳумо қушининг тасвири бор, биласизми у нима?»

— Унинг айт-чи, пахта-воним, — дейман кўнглим ийиб. — У-ми? У менинг, ўртоқларимнинг, барча-барчаннинг бошига қўнган бахт қуши... Сўзбатдошимни бағримга босаман. Тилаклар тилайман. Емон кўздан асрасин, деб ўша қиламан. ... Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида эришилган муваффақиятларимизни санардим. Улар санокли эди. Эндя эса саноклар камлик қилади. Энг асосийси, мамлакатимиз дунёдаги тенг ва тинчликсевар давлатлар қаторида ўз ўрни-

ни топти. Обрў-эътибор қозонди. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йили муҳтарам Президентимиз биз билан ҳамкорлик қилиш ниятида бўлган давлатларга қарата халқимиз мақсадини, гурурини ва салоҳиятини аниқлашчи «Мустақиллик, Тинчлик, Ҳам-алифбосида китоб ўқийди, шеърлар айтдики юртни улуғлаб. Бегубор болалик... Унга қўшилиб куйлагинг келди, унингдек завқу шавққа тўлигун келди... Уни саволга тутаман — сен Ватан ҳақида нималарни биласан?»

Жавобини эшитинг! «Мамлакатимиз мустақил бўлганида мен туғилганман. Богчага бордим. Богча опамиз менга давлатимиз мадҳиясини ўргатдилар». У салмоқ билан давлатимиз мадҳиясини айта бошлайди: «Серкўёш, ҳур ўлкам, элта бахт, нажот...» Мароқ билан тинглайман, кўнглим ҳузур топади. У эса давом этади. «Мактабимизда «Ойла бюджет» дан доим «беш» баҳо олам. Ойла бюджетининг мустақамлиги пул. Уимизнинг сўйимиз борку — ўша. Мен яна давлатимиз гербини биламан. Унда мамлакатимиз бойликлари — пахта, ғалла, байроғимиз, кенг даламиз, чароғон қўёш тасвирлари бор. Қўёшимиз тилла ранг нур сояпти, чунки юртимизда олтинимиз мўл. Гербимизда яна катта, қанотлари бақувват ҳумо қушининг тасвири бор, биласизми у нима?»

— Унинг айт-чи, пахта-воним, — дейман кўнглим ийиб. — У-ми? У менинг, ўртоқларимнинг, барча-барчаннинг бошига қўнган бахт қуши... Сўзбатдошимни бағримга босаман. Тилаклар тилайман. Емон кўздан асрасин, деб ўша қиламан. ... Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида эришилган муваффақиятларимизни санардим. Улар санокли эди. Эндя эса саноклар камлик қилади. Энг асосийси, мамлакатимиз дунёдаги тенг ва тинчликсевар давлатлар қаторида ўз ўрни-

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Исроил давлати Саноат ва савдо вазири Н. Шаранский раҳбарлигидаги делегация аъзолари Вазирлар Маҳкамасига ташириф бурди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов билан бўлган учрашувда икки давлат ўртасидаги муносабатлар тобора ривожланиб бораётгани қайд этилди, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар, ҳорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароит, Ўзбекистон-Исроил иқтисодий ҳамкорлиги ҳақида сўз борди.

Сўхбат чоғида қўшма лойиҳаларнинг баҳарлиги ҳақида, янги лойиҳалар тузиш имкониятлари, икки мамлакат ишбилармонларининг мулоқотини кенг йўлга қўйиш, улар учун имтиёзли кредит линияларини очиш сингари масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Шу кун И. Шаранский бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди.

Учрашувда минтақавий муаммолар ва икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Н. Шаранский, жумладан, Яқин Шарқ муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш юзасидан Исроилнинг нуқтани назарини баён қилди.

Шунингдек, Н. Шаранский бошчилигидаги делегация аъзолари Кишлоқ ва сув хўжалиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирликларида ҳам бўлиб, музокаралар ўтказди.

Учрашувларда Исроилнинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Ноах Гал-Гендлер иштирок этди.

(ЎзА)

АҲИЛЛИК — МУВАФФАҚИЯТЛАР МЕЗОНИ

Наманган вилоятида ғалла ўрми-йиғими қўзғини паллага қилди. Йиллик режани ушлаган жамоалар сони кун сайин ортиб, вилоят ғалла хирмони тобора юксалиб бормоқда. Бу улкан хирмон Поп тумани ғаллакорлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

— Шу бугун уч хўжалик — «Қўштепа», «Дўстлик», «Навоба» ғалла тайёрлаш йиллик режасини бажарди, — дейди туман ҳокими, Олий Маҳлис депутаты Холмамат Талабов. — Кечга бориб «Чолак», «Гурумар» жамоа хўжаликларидан ҳам мавра эгалигини тўғрисида хушхабар келиб қолди. Энг муҳими, барча хўжаликларда ўтган йилга нисбатан ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 10 центнердан юқори ҳосил олинмоқда. Бу — туман бўйича 8-10 минг тонна қўшимча ғалла демакдир. Далаларда мўл ҳосил етиштирилиб, сидқидилдан қилинган меҳнат ўз самарасини бераётгани, ҳосил қўнғидан деҳқон кўнгли тўлаётгани кувонарли. Бу ҳаммаининг кўнчилигига-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшмоқда.

Туманининг бир қатор жамоа ва деҳқон хўжаликларида бўлиб, ғаллакорлар билан сўхбатлашди. Туман ҳокимидан тўғиб, комбайнчи-ю, оддий пулатчи-ғаллакоргача ёруз билан, кўтаринки кайфиятда меҳнат қилётгани кишининг ҳавасини келтирди. Қайси пайкалга бормайлик, ўрмининг агрегатлари бир маромада ишлаётганининг гўвоҳи бўлишди.

— 50 гектар майдонда етиштирилган ғалланинг ярминини йиштириб олганимиздек, давлатга ғалла сотиш йиллик режамизни бажардик, — дейди «Тулпор» фермер хўжалиги раҳбари Отабек Фаёзов. — Ойлаимиз билан маслаҳатлашиб, давлатга қўшимча яна 130 тонна ғалла сотиб бу борадаги йиллик режамизни 200 фоизга етказишга аҳд қилдик. Шунда ҳам уруғликка олиб қўйган



нимиздан ташқари 60 тоннадан зиёд ғалла ўзимизда қолади. Бу ўзимизнинг, яъни фермер хўжалигида ишлаётган барча аъзоларимизнинг эҳтиёжи учун етиб-ортади.

Туманидаги нафакат деҳқон ва фермер хўжаликларида, балки жамоа хўжаликлари ерларида ҳам ғалладан мўл ҳосил етиштирилган. Айни пайтда ғаллазорларда 58 та комбайн, 5 та «Кейс» икки сменада ишлаб турибди. Ўрми-йиғимда иштирок этаётганлар учун барча шароитлар тўғиб, кийим-кечакча ҳаммаси бепул. Дала меҳнатқилларига иш ҳақлари ҳар беш кунда бериб боришмоқда.

«Х», «Ҳ», «Ҳ» хўжалик билан иш юритиб, кўнчилигининг ҳурмати, меҳрини қозонишда гап қўй. Бир екадан бош чиқариб ҳаракат қилинса, қўзланган мақсадга албатта эришилади. Поп туманида ҳам мана шу фазилатлар боис, ғалла ўрми-йиғим мавсуми муваффақият билан давом этмоқда. Туман деҳқонларининг қирмини дон хирмони тобора юксалиб бормоқда.

А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДўСТИ ҚАРАДОШДАН АЗАЛДАН

...Қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳри аэропорти. Байрамона безатилган тайёрағода қарнайи-сурнай садолари, куй-қўшиқлар янграмоқда. Бу ерга пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали равишда очилган Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари иштирокчиларидан бир гуруҳи келди. Азиз меҳмонларни вилоят ҳокими А. Мардиев кутиб олди.

Дўст мамлакат санъат ва адабиёт намоёндаларининг шаҳар билан танишуви буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳайкали пойнта гуллар қўйиш билан бошланди. Самарқанднинг энг кўркам кўчаларидан бирида салобат тўкиб турган Шарқнинг буюк алломага-

ри — тожик ва ўзбек халқлари дўстлигининг рамзи Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойнта ҳам анвойи гуллар қўйилди.

Жаҳон илм-фанини ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшган улуг мунажжим Мирзо Улутбек расадхонаси ва мемориал музейи қардошларимизда, айниқса катта таассурот қолдирди. Улар Самарқанднинг машҳур Сибё деҳқон бозоридида қаллас заминимизда қонқариндош бўлиб яшаб, елкама-елка меҳнат қилаётган ўзбек ва тожик деҳқонлари билан сўхбатлашди.

Нақшинкор жилолари билан етти иқлимга довг тартган Регистон ёдгорликлари мажмуида меҳмонлар

шарафига шўх куй-қўшиқлар янгради. Сўнгра улар буюк бобокалонимиз Амир Темур мақбараси ва хиёбонда бўлишди. «Афросиёб» меҳмонхонасида дўст мамлакат вакиллари учун қабул маросими ўтказилди.

Байрам дастурига мувофиқ Тожикистон санъат ва адабиёт намоёндалари Самарқанд, Тойлоқ ва Иштихон туманлари меҳнатқиллари билан учрашди. Улуг аллома Маҳдуми Аъзам, буюк ҳадисшунос олим Имом ал-Бухорий қадимжоларини зиёрат қилди. Улар саноат корхоналари, маҳалла аҳли, ўқув юрлари талабалари билан учрашди.

Ҳамза ШУКУРОВ,
(ЎзА)

«СИЗЛАРГА ҲАВАС ҚИЛАМИЗ!»

Мамлакатимизда бошланган Тожикистон Республикаси кунлари қатнашчиларидан бир гуруҳи 1 июль кун Бухорога ташири бўлди. Байрамона безатилган аэропортда азиз меҳмонларни вилоят ҳокими С. Хусенов самимий кутиб олди.

Дўст мамлакатнинг таниқли санъат ва маданият арбоблари, ёзувчи ва шoirлар, «Гушан», «Зебо» ансамбллари ҳамда болалар вокал гуруҳи аъзолари уч кун давомида Бухорои ша-рифнинг етти иқлимга машҳур меъморий обидаларини, янги қурилишларни кўздан кечиради. «Бухоро-текс», «Зарду» ҳиссдорлик жамиятлари, Коровулозор

нефтни қайта ишлаш заводи ва бошқа корхоналарнинг жамоалари, шунингдек, Ромитон ва Пешку, Гиждувон ва Вобкент туманлари меҳнатқиллари билан учрашди. Концерт дастурлари намойиш этилади. Мушоиралар бўлиб ўтади.

Биз таниқли тожик шоири Гулназар Келдиндан ўзининг дастлабки таассуротлари ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилдик.

— Сизларга жуда-жуда ҳавас қиламиз, — деди Гулназар Келди. — Ўзбекистонда урушдаги жудоландан оналар ўқиниб йиғламайдилар, болалар етим қолмайдилар, кўчаларда автомат ушлаган ҳарбийлар йўқ, ҳамма эртанги кунга ишонч руҳи билан яшайди. Тошкентдаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали йи-

ғилиш мени гоят тўқиндирди. Нега дейсизми? Йулбошини Илом Каримов (Аллоҳга шукрлар қилин, шундай раҳбарингиз бор), мумтоз адабиётимизнинг йирик вакили Рудакийнинг «Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун, дўстлар дийдоридан бўлолмас устун» мисраларини тожик тилида айтганларида кўзларимда ёш қалқиди.

Шунга иймоним қомилки, кўн нақсларда бизнинг халқимиз ҳам Тинчлик ва Барқарорликда яшай бошлайди. Ўзбекистондаги оқсоқилликда яратувчилик меҳнати билан шуғулланади. Биз юртимизга қайтган, мамлакатингиздан олган унутилмас таассуротларимизни халқимиз билан баҳам кўрамиз. Шу боис яна такрорламоқчиман: Сизларга ҳавасимиз келди!

Илхом САФАР,
ЎзА мухбири.

ХУРМАТЛИ ТАҲРИРИЯТ

«СУРХОН ТОНГИ» ТОНГЛАРИ

Газетачилар — санъат. Санъат фақат яқиндоқлик эмас. Ҳалла гап — мазмун мавнада. Бу вақфини ҳам элайтгандаймиз, — деб ёзди «Сурхон тонги» газетаси бош муҳаррири Гелдимурад Сайидмаликов. — Ўзбекистон Олмасий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан ташкил этилган «Наврўз — боқий байрам» ташаббусида биринчи ўрини эгаллаганимиз шундан далолат.

Яна бир янгилик: «Сурхон тонги»нинг шафқатлари ранг-баранглашиб бормоқда. Ижтимоий-сиёсий ва бадиий журналининг биринчи сонини чиқардик. Бу ҳам «Сурхон тонги» деб аталади. Энди «Газетамиз кутубхонаси» туркумида китоблар нашр этиш ниятидамиз.

Ҳаммасидан ҳам кўра ижодкорларимизга ҳамхўраликни яхшилаймиз. Яқинда бўлиб ўтган аълоавий байрамимиз кун «Матбуот-шо» уюштирдик. Шу кун «Энг яхши журналист», «Энг яхши фотомухбир», «Энг яхши жамоатчи мухбир» деган соғирларни қўлиблар топширдик.

Тонглари ёруғ бўлса, кўнчилар ҳам ёришиб кетаверадилар.

А. ТУРАЕВ олган сурат.

ЯНГИЛИК

«НАМАНГАН — ИННОВАЦИЯ» ИШ БОШЛАЙДИ

Жамият ривожини информатика ва ҳисоблаш техникаси ютуқларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, юқори маълуми мутахассислар тайёрлашда компьютер технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш шу куннинг талабидир.

Наманган вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган йилнинг вилоятда компьютерлаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказларини тузишга бағишланди.

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви ҳамда Наманган вилояти ҳокимлигининг ташаббуси билан ўтказилган мазкур йилнинг шаҳар, туман ҳокимлари, вилоятдаги йирик корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирок этишди.

Йилнинг қабул қилинган қарорига кўра, шу йилнинг 20 августига қадар Наманган шаҳри ва вилоятнинг барча туманларида кўп тармоқли компьютерлаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари тузиладиган бўлиб, Энг муҳими, келгусида мазкур марказлари халқаро «Интернет» дастури билан боғлиқ бўлади.

Х. ДУЛМОНОВ.

СОЛИҚ НАЗОРАТИ

КИММАТГА ТУШГАН ХАТО

Қува тумани Хонобой қишлоғида яшовчи Гулчехра Хасанова жамият қонунарини четлаб янаш мумкин, деб ўйлаётганлардан бўлиб чиқди. У энди хато қилганини тушуниб боши ҳам бўлиб ўтирибди.

Қувалик солиқчилар унинг хонобойида очилган хуффа арқо ҳиссини фойда этишди. Текшириш натижасида Хўшон арқо заводига тегишли қопқоқлар билан берилган 56 дона «Оқ арқо» сотишга тайёрлаб қўйилганлиги аниқланди. Шунингдек, хонобойида 18 литр спирт, иккита қопқоқ ёлғучи мослама, 118 дона қалбаки акқиз маркази, 254 та қопқоқ, арқо шинасига ёпиштирилган 400 дан зиёд турли хил ёрликлар ҳам топилди.

Қўнғир шинини қийин қирқ йилда ҳам чиқади, деганлари шу бўлса керак-да.

Телефонларимиз:

133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

Соат милларини Ойбек РАҲИМ қўзғатди.

Мамлакатимизда ҳукукий демократик жамият барпо этиш йўлида кўпгина муҳим тadbирлар амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг давлат идоралари-га, жамоат бирлашмаларига, муассаса ва ташкилотларга мурожаат этиш ҳукукий шўлор жумласидандир. Фуқаролар давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этиб, ўзларига берилган ҳуқуқлар ва эркинликларини ўрбига чиқара бориб, қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаб мурожаат этишга ҳақлидирлар. Бу борадаги асосий қондалар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаати тўғрисидаги қонунида белгилан берилган.

«Жалқ сўзи» таҳририя-ти шу йилнинг ўтган ой-ларида республиканинг турли вилоятларида исти-қомат қилувчи фуқаролар-дан беш юзга яқин ариза ва шикоятлар олди. Улар-да кўтарилган муаммолар-нинг кўпчилиги республи-ка ва маҳаллий давлат органлари ёрдамида ўз ечимини топтоқда. Лекин айни пайтда гаразгўйлик, кўролмаслик, ивгогарлик билан ёза-ёза қилаётган шахсларга ҳам дуч келин-моқда. Алам билан шош-қалоқлик қилиб қўлга қалам олаётганлар мута-хассисларни, турли идора ходимларини ишдан қол-дираётганлар, ўзларининг қуюшқонга сийғайдиган хатти-ҳаракатлари билан кишилар кайфиятини буз-моқдалар, бир сўз билан айтганда, умум ишмизга зарар етказмоқдалар. Улар жамиятимиз томонидан фуқароларга бериб қўйил-ган ҳақ-ҳуқуқларни суи-стеъмол этмоқдалар. Бун-и қўриқиб мисолларда кўриш мумкин.

ИШ ҲАҚИДА ФИСҚУ ФАСОД

Гаразгўйлик, кўролмаслик, ивгогарлик билан ёза-ёза қилиб, одамларни, турли идораларни ишдан қолдираётганлар ҳақида

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманининг У. Юсуфов номи хўжа-лигида истиқомат қилу-вчи фуқаролар Мўминов, Бойқобилов, Кичибоев-лар мана бир неча йил-дири республикадаги қатор ташкилотларга ши-коят устига шикоят жўна-тиш билан муттасил шу-ғулланиб келмоқдалар. Улар ҳар хатид тақор ва тақор: «Нима сабабдан бизнинг тўрт ярим йил-дан бери уч юздан зиёд уз-луксиз ёзаётган ҳақиқат аризаларимизни республи-ка прокуратураси тергов бўлими томонидан қас-дан оқибатсиз қолдирила-пти» деб сўрайдилар. Эътибор бердигизми, ўтган йиллар давомида уч юздан зиёд шикоят жўна-тилган. Уларнинг ҳар бири оддий ўқувчилар дафтра-га айлантириб ҳисоблан-ганда 32-36 бетдан. Ҳай-ратдан беҳишёр ёқа уш-лайсиз. Шу йилнинг ўтган ойларида таҳририят худ-ди шу ҳажмда, бир хил ма-мунда муаллифлардан унча шикоят хати олди. Булар-ни кўраб экан, бир ҳам-касб дўстимиз шундай деди: «Менинг касбим ёзиш, журналистман, ҳар-қун раҳбарларим нима-дан бор, деб сўрайдилар, ле-кин шунга қарамай кей-инги беш йил ичида ёган хабар ва мақолаларим ёз-юзтага етади ё етмайди, булар қачон ва қай вақтда улгуршишаркин бу каби қозончи қоралашга».

Кишини таажжубга со-ладиган жойи шундаки, улар «ёпишиб олган» ҳўжалик раиси аллақачон ўз вазифасидан кетган, бошқа жойда ишлайпти. Шунга қарамай муаллиф-лар нега унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмай-ди, деб талаб қилишни қўймайдилар. Ушбу ши-коятлар бўйича вилоят ҳқи-мининг биринчи ўринбо-сари Т. Каримов таҳрири-ятга қўйилганча жавоб бе-ради: «Ю. Мўминов ва бо-шқаларнинг «Жалқ сўзи» газетаси таҳририятига йўллаган шикоят хати ма-лакани мутахассислар то-монидан ўрганиб чиқил-ди. Шу мазмундаги хат-ларни 1992 йилдан бўён ёзишмоқда (?). Бир неча бор тафтиш ишлари ўтқа-зилган. Бундан ташқари туман прокуратураси то-монидан ҳам текшириш-лар ўтказилди. Охириги текшириш якунига кўра ҳўжаликнинг собиқ раис-и-га нисбатан жиноят иши қўзғатилишини рад қилиш ҳақида қарор қабул қилин-ди. Ушбу қарор вилоят ва республика прокуратура-лари томонидан ҳам асо-ли деб топилди. Шикоят хатини ўрганиш якуни-да муаллифларга етказилди».

Бундай қаралса маса-ла ойдинлашганда кўри-нади. Лекин ўша мазмун-даги, ўша ҳажмдаги шикоят хатлари ҳамон келмоқда. Қадимда ўтган машой-ихлар ўғитларига қўлқ ту-тайлик: эй, одамлар, дўстлик ва меҳрибонлик ўғитидан сақланайлик, бундай ўғитларга қасим-

чи ва ивгогарлик қиради. Ҳадисларда айтади: одам-ларга нисбатан инсофли бўлинглар, одамлар нима-ларни қилишини ёмон кўрсангиз, сиз ҳам шулар-дан ўзингизни тийинг. Шайтон инсоннинг қон-то-мирида юради, деган гап бор. Билингки, низо ва ни-фоқ уруғлари сепилган жой-да ноҳушли мева берур. Ал-ломаларимиздан қолган гап бор: рост гапиринглар, чун-ки ростгўйлик ахшиликлар-га бошлайди. Айни пайтда унутманг: қиличдан, найза-дан бўҳтон ёмондур. Кимки

туттишга, хотиржам бўлишга интилади. Лекин у ҳисси-з кесак эмас-ку, шундай бўлган, кайфияти бузилади, юрак безовта бўлади, уйқу-си қочади, атрофдагилардан хижолат чекади. Қарабсиз-ки, гаразлик мақсадида оқ қозонни қоралаган кимса ниятига етади. Бу воқеалар-ни у бир четда туриб куза-тади, қўлларининг кафтини бир-бирига ишқалаган ҳол-да ҳўзур қилади, «ҳа, энди қалайсан, доим димоғинг чоғ бўлиб юрардинг, мана бунақаси ҳам бўлади», дей-ди ўзича.

Андижон вилоятининг Хўжаобод туманидаги Бобур номи жамоа хўжалиги худ-дида яшайдиган бир гуруҳ фуқаролар ёган хатларида хўжалик аъзоларининг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги бўлмапти, деб шикоят қилишгани. Вилоят ҳқими-лиги томонидан тузилган комиссия аризаларни ишти-рокида бу масалани атроф-дига ўрганиб чиққанда ши-коятда келтирилган эътироз-лар тасдиқланмаган. Кони-мех туманидаги санитария-эпидемиология станцияси фаолиятидаги камчиликлар тўғрисидаги, шунингдек, Олтинсой туманидаги Улғу-бек номи жамоа хўжали-гидан келган шикоятдаги даъволар ҳам текширишда ўз тасдиғини толмаган. Бу ҳақда таҳририятга Қонимех туман ҳқими С. Осинов ҳамда Сурхондарё вилоят ҳқими Ж. Норалиев жавоб мактублари йўлланган.

Биров ишдан четлатил-ганлиги учун, иккинчи киши эса ким биландир ораларида гап қочиб қолган-

лими учун аччиқ устиди қасд олмақ ниятида қўлга қалам олади. Оқибатда қанчалар қанча одамлар овоза. Қамаш туманидаги Л. Муҳам-мадиев номи жамоа хўжа-лигидан келган шикоят худ-ди шу тоифадаги аризалар-дан бўлиб чиқди. Лекин шунинг аниқлаш учун, маса-ланинг моҳиятига етиш учун туман молия бўлимининг мудир Э. Ёшматов, туман молия бўлимининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича иқтисодчиси К. Махсу-мов, туман меҳнат бўлими-нинг бошлиғи А. Ёрташев-лар иштирокида гуруҳ тузил-ди. Улар Жонбўсов қиш-лоқ фуқаролари йигини фа-олиятини муаллифнинг ари-заси бўйича тафтиш қиладилар. Текширишда ши-коятчи А. Ёқубовнинг ўзи иш-тирок этди. Унинг даъвола-ри тасдиқланмади. Ариза қишлоқ фуқаролар йигини раиси Э. Расулов билан му-аллиф ўртасида бўлиб ўтган можаро туфайли ёзилган-лиги маълум бўлди. Ана шу-нақа гаплар.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб ту-рибдики, айрим кимсалар йиллар мобайнида кўпдан-кўп ташкилотларни ўринсиз овоза қилиб келмоқдалар. Афтидан, улар ўз ҳуқуқ-ларини жуда яқин билалди-лар. Аммо жамият олдига, фуқаролар олдигаги бур-чларига келганда ўзларини оварлиққа солмоқдалар. Энди шундай савол туғила-ди: нега тегишли идоралар,

аввало қонунларимиз усту-ворлигини таъминлашга даъват этилганлар бундай ҳолатни чуқур ўрганиб, ўринсиз равишда кишилар-ни ишдан қалғитадиган, кайфиятини бузидиган гу-руҳбозликни вужудга келти-радиган, соғлом маънавий вазиятга путур етказадиган фактларни бартараф этиш юзасидан тегишли тақдим-номалар киритмайдилар, айбдор шахсларни маъму-рий, интизомий, моддий, борию бу чоралар ҳам кор қилмаса, мавжуд қонунлари-миз асосида жавобгарликка тортиш тadbирларини кўрмайдилар. Балки шун-дай йўл тутилмаётганлиги учун ўша кимсалар нима де-сак бўлаверар экан, ёзгани-миз жабрини биз эмас, бал-ки ўзгалар кўраб экан, де-ган ҳаёлга бориб ўзларини шундай тутатган бўлсалар, ажаб эмас.

ташкilotларга тинмай ёзма равишда мурожаат этганлар. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқар-маси тўрт ойдан зиёд вақт мобайнида мазкур хўжа-ликнинг 1995-1997 йил-лардаги фаолиятини тафти-ш қилган. Натижада хўжалик мулки раис то-монидан талон-тарож қилинаётган, деган даъво-лар ўз тасдиғини толма-ган. Бошқа баъзи жойлар-даги раҳбарлар каби шу мазмундаги жавобни таҳ-ририятга жўнатмасдан, бу ердагилар бошқача йўл тутганлар. Жамоанинг умумий йигилишини ча-қиритган. Унда 465 уюш-ма аъзоларидан 360 киши иштирок этган. Шикоят муаллифларини ҳам тақ-лиф этишган. Кун тарти-бида битта масала — ши-коятлар бўйича ўтказилган тафтиш натижалари.

Йигилишда сўзга чиқ-қанларнинг гапларидан кўчирма келтирсак, маса-ла анча ойдинлашади, деб ўйлаймиз.

Хайрилло Ниёзов, таъ-минотчи: шикоятчилар-нинг кўпчилиги ҳеч қас-да ишламайди. Уларнинг хатти-ҳаракатларини биз эришяётган ютуқларни кўролмасдан қилинаётган иш, деб ҳисоблайман. Аризада тилга олинган ҳоллар бир неча бор тек-ширилган, муҳокама қилинган. Шуларни ҳисобга олиб, шу фактлар тўғрисида яна ариза ёзи-ладиган бўлса, улар тек-ширилмасин, деб тақлиф қилган.

Ойшаҳар Ҳамроева, звено бошлиғи: бу киши-ларнинг асл мақсади, на-заримда, мансаб таллашиш-га ўхшайди. Уларни ким-дир шу йўлга ундамоқда. Раисга нисбатан айтилган гапларнинг ҳаммаси бўҳтон. Шунинг учун бу кишиларга нисбатан мав-жуд қонунларимиз асо-сида чора қўришни тақлиф этаман.

Шундан сўнг яна ўнга яқин киши сўз олиб, юқорида киритилган тақ-лифларни қўллаб-қувват-лайдилар. Йигилиш тафти-ш якуниларини қаноат-ланарли деб топиб, келгу-сида яна юқориди маз-мунда шикоят ёзилганга бўлса, уларни текширмас-ликни раҳбар ташкilot-лардан сўраш ҳақида қарор қабул қилди. Тўғри-да, бекорга оворачилик-нинг кимга кераги бор, ундан кўра амалий иш билан машғул бўлган минг чандон афзал, фойдали эмасми. Яна қарорда шу ҳолат таъкидландики, тафтиш қўзғилиб кетган-лиги туфайли уюшма ҳисобидан кетган харажат-лар шикоят хати ёган фу-қаролардан ундириб оли-нин.

Мана бунинг адолатли иш, деса бўлади. Аввало ўша муаллифлар жамоа аъзоларининг ўзларига нисбатан муносабатларини кўридилар, эшитдилар, қан-дай ҳолга тушганликлари ёлғиз ўзларига аён. Бу — масаланинг маънавий то-мони. Қолаверса унинг иқтисодий томони ҳам кўзда тутилди. Қани, ай-тингчи, шундан сўнг ҳам улар гаразли ниятда қўлла-рига қалам олармикинлар? Назаримизда, тўғри ҳуло-са чиқариб олсалар керак. Масалага шундай жиқдий муносабатда бўлиш бош-қаларга ҳам сабоқ бўлади, айтмоқчимизки, унинг тарбиявий аҳамияти ҳам бор.

Президентимиз Исло-м Каримов жалқ депутатла-ри Қашқадарё вилоят ке-нгашининг навбатдан таш-қари сессиясида сўзлаган нутқида ўзаро тирюк ос-тидан кир қидириш, тур-ли фисқу фасод гаплар би-лан эмас, балки амалий ишлар билан шуғулланиш зарурлигини алоҳида таъ-кидлаб ўтдилар.

Олдимизда турган ваз-ифалар қўлами гоятда кат-та. Уларни ҳал этмоқ, юр-тимизнинг тараққиёт о-димларини тезлатмоқ учун кишиларимиз ўрта-сида аҳилик, жипслик, бирдамлик даркор. Тараф-қашлик, гаразгўйлик иши-мизга путур етказад, соғ-лом муҳитни яратишга ёрдам бермайди. Шундай экан, ҳасад эмас, балки ахшиларга ҳавас қилиб ишайлик. Бундай муҳит бор жойда ишларда унум, бариқа бўлаверад.

«Жалқ сўзининг хатлар, шикоятлар ва оловий ишлар бўлими.



Ҳар касбнинг ўзига хос машаққатлари, масъулияти бор. Ўз ишиндан қониқиб ҳосил қилсанг, танлаган соҳангдан кўнглинг тўлса, табиийки, завқи ҳам шунга яраша. Махнора Бобоевани тўрақўрғонликлар қўли гул чевар дейишди. Сабаби эркаклар, болалар кийимларини тикишда «Ахсикент» ўзбек-турк қўшма корхонасида унга бас келадигани ҳам топилади. Махнора тиккан кийимлар ҳам бежирим, ҳам харидортир. Суратда: чевар Махнора Бобоева.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Айримлар оқибатини би-либ-билмай жиноят қўчасига кириб қолишди. Фарҳод Аб-дурахмонов эндигина 23 ёшга тулган. Шу орада бир марта сулланган ҳам. Ҳеч жойда иш-ламайди. Шу сабабли қандай-дир йўллар билан пул топиш чорасини излай бошлайди. Нима қилиш керак? Эҳтимол, бирор бадавлатроқ кишининг уйини ўмарса боиб кетар?

Шу ният уни Иззатбуви Тиллаевнинг уйига киришга — ҳеч кимга бидирмасдан

чарчамайдиган пайти. Аммо меҳнат қилмасдан бойлик ор-тириш пайига тушадилар. Дилшод ҳали битмаган, аммо қурилиш давом этаётган уй-ларнинг олдига боради. Бу ер-дан бир неча тахта, қўвур, учта эшик, кетмон, бел ва бошқа нарсаларни уйига олиб кетиш режасини тузди. Аммо, қандай қилиб? Машина бўлмаса... Шу сабабли Улутбекни ёрдамига қа-қирди. Бу нарсаларни Н. Юну-сов деган кишининг «КаМАЗ» машинасига юклаб жўнамоқчи

мади? Эҳтимол, унинг ота-онаси фарзандининг қисмати-га бефарқ бўлмаганларида бундай кўнгилсиз ҳолнинг олди олинган бўлармики? Нега юқоридидагидек жино-ятларнинг олдини олиш на маҳалла оқсоқоларининг, на жамоатчиликнинг ҳаёлига келмади? Ўз вақтида тушун-тириш ишлари олиб қорла-нида, ёшлар тарбиясига жи-дий аҳамият берилганда бун-дай ҳоллар юз бермаслиги

МАҚСАД: ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

эшикнинг қулфини бузиб, иш битиришга бошлайди. Фарҳод атрофга олазрак қарар экан, қўлга илган нарсани олиб кетаверди. Аввал 4 минг сўм пулни қўнтағига соди. Кейин бир неча юз метрлаб қиммат-баҳо материалларни олиб қўён бўлди.

Фарҳод шу билан қифо-ланиб қолмади. Укаси Шуҳ-ратни — эндигина 17 ёшга тулган болани ҳам жиноят қўчасига бошлади. Улар бир-галликда режа тузиб, ўғирлик-нинг янги усулларини ўйлаб топишди. Икки кишининг қўл-оёқларини боғлашди, сўнгра уйда нима қўзга кўри-на — тақинчоқларми, пайпоқ-ларми, ҳўдлас жуда кўп миқ-дордаги мол-мулкни ўмариб кетишди. Қора қилимшлари узокқа бормди. Қўлга туш-дилар, қонунга мувофиқ айб-ларига яраша озоидикдан маҳ-рум этилдилар.

Қулатишлар шунинг кўрсата-дики, жиноятлар кўп ҳоллар-да ишаламайдиган кишилар томонидан содир этилади. Буни икки оғайни — Дилшод билан Улутбек Рузалиевлар томонидан қилинган жиноят-лардан ҳам англаш мумкин. Уларнинг иккови ҳам энди-гина 22 ёшга кирган. Ишлаб

эди, участка нозирни сезиб қол-ди. Ўғирланган нарсалар — қурилиш материаллари «Ка-МАЗ» машинасига юкланган ҳолда икки ишлар бўлимига олиб келинди.

Айбдорлар жазоланди. Ўйлаб қолади киши, жамоат ташкilotлари, ҳусусан, «Камо-лот» жамағмаси туман бўли-ми, маҳалла оқсоқоллари ту-шунтириш ишларини олиб бо-ришса, ҳаёт йўларида адашиб, боши берк қўчага кириб қолаёт-ган ёшларни тўғри йўлга солиб юбориш, жиноятлар олдини олиш мумкин бўлмасмикин.

Ёшлар ҳақида гап кетганда айрим енгилтақлик ҳолатлари-нинг оғир оқибатларига ҳам эътиборни қаратишни истардики. Юқоридигилар билан деярли тенгдош Пулат Хуснулин, Бах-тиёр Жўраев, Қудрат Дўстматов ҳамда Ҳамид Исмоиловлар қўл ўртан нопокликни ешанг.

Улар ҳали воғта етмаган қи-зни алдашади.

Унга вино ичиришди. Сўнгра... оғир жиноят содир этишди. Жазога тортилдилар. Ўз навбатида ўринли бир савол туғилди.

Нега Нарғиза йигитларнинг алдовига учди, нима учун ўз ор-номусини сақлаш мақсадида ёшларнинг раёнига қарши бор-

мумкин эдику?

Тумандаги ҳўқўни муҳо-фаза қилиш органлари шу фикрдан келиб чиқиб, асосий эътиборни профилактик тadbир-ларни кўпроқ ўтказишга қаратишмоқда. Ҳусусан, туман ички ишлар бўлими бошлиғи Мираббос Собиров раҳбарли-гида қилинаётган кўп ишлар ўз самарасини бераётганлиги диққатга сазовордир. Жойлар-да ҳўқў-тартибот идоралари олдига қўйилган вазифалар тўғрисида суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқ-да. Диндорлар фаолиятининг қонун талаблари асосида бўлишига эришиш, маҳитлар-ни рўйхатдан ўтказиш, ҳисоб-да турмайдиган кишилар билан суҳбатлар ўтказиш тadbир-лари кўрилкоқда. Айниқса, ички ишлар бўлимининг уча-ста нозирлари фаолиятини янада қучайтиришга катта эътибор берилмоқда. Маҳал-ла кўмиталари, жамоат таш-кilotлари билан биргаликда турли ҳил жиноятларнинг ол-дини олиш чоралари кўрил-моқда.

Абдулло МАМАДАЛИЕВ,
Чиноз тумани
прокурори.

ДИПЛОМ ИШИ МУЗЕЙДА ЁҚЛАНДИ

Ўзбекистон Бадиий акаде-мияси тасарруфидидаги Респу-блика рассомлик коллежи би-тирувчиларидан бир гуруҳчи диплом ишларини Республика Давлат санъат музейида ёқла-ди.

Талабалар беш ой давомида ўқув юртида олган назарий би-лимларини амалгаёйта боғлаб, музей заҳираларида сақлана-ётган ва таъмирга муҳтож санъат асарларини ўргандилар. Талабалар тўртинчи аср ва ўрта асрга оид археологик то-пиламлар ва муаллифи нома-лум асарлар намуналарини таъмирлашга, шунингдек, мамлакатимизнинг таниқли мўйқалам усталари яратган баъзи асарлардан нусха олиш-га эришдилар.

М. ОДИЛОВА,
(У.А.).



Неъматжон Исмоилов (суратда) Шаҳ-рихон туманидаги таҳриблий механиз-торлардан. У бир неча йилдики, туман-нинг академик Саримсоқов номи жа-моа хўжалиги 9-бригадасида меҳнат қи-лади. Неъматжон чигит ёшдан тортиб, гуза қатор ораларига ишлов беришгача бўлган агротехник тadbирларни сифатли бажаришда фаол қатнашди. Неъматжон меҳнат қилаётган бригада деҳқонлари бу йил юқори ҳосил — 50 центнерлик мар-рани кўзлаб меҳнат қилишаёттир.

Ҳ. АЛИҚУЛОВ олган сурат.

